

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

201 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 3 мартдаги ПҚ–2137-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 3 мартдаги ПҚ–2137-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор 2014 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 апрель,
108-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 30 апрелдаги 108-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомда:

- а) 6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

«Курилиш-пудрат ташкилотлари реестри — қурилиш-пудрат ташкилотларининг ихтисослашувга, ташкилий тузилмага ва бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари хусусиятига мувофиқ доимий ишлайдиган қурилиш-ишлаб чиқариш ходимлари билан бутланганлиги, уларда ишлаб чиқариш фондлари (ўз ишлаб чиқариш базаси, қурилиш техникаси, машиналар ва механизмлар, шунингдек кичик механизация воситалари) мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда улар тўғрисидаги ҳар йили янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базаси»;

б) 41-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«41. Қўйидагиларнинг:

таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган қурилиш ташкилотларининг;

марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилмаган қурилиш ташкилотларининг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади»;

в) 106-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилмаган қурилиш ташкилотларининг»;

еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

а) қўйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини юритади»;

б) ўнинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўттизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.